

## ИНГЛИЗ ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ТАСНИФИ

Лазиза Абборовна АБДУЛЛАЕВА

ўқитувчи

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Тошкент, Ўзбекистон

[labdullayeva@uwed.uz](mailto:labdullayeva@uwed.uz)

### Аннотация

Мазкур мақолада замонавий инглиз тили дискурсида қўлланиладиган ҳуқуқшуносликка оид аббревиатураларнинг ривожланиш динамикаси ва уларнинг структур таснифи ўрганилган. Унда аббревиация терминларининг ҳосил бўлиш модели универсаллигига кўра структур жиҳатдан тавсифланган.

**Таянч сўзлар:** аббревиатура, термин, лексик бирликлар, график қисқартмалар, лексик қисқартмалар, инициал, апокоп, аферезлар, аралаш аббревиатуралар.

## КЛАССИФИКАЦИЯ АНГЛИЙСКИХ ЮРИДИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ ПО ТИПАМ СОСТАВА

Лазиза Абборовна АБДУЛЛАЕВА

преподаватель

Университет мировой экономики и дипломатии

Ташкент, Узбекистан

[labdullayeva@uwed.uz](mailto:labdullayeva@uwed.uz)

### Аннотация

В статье рассматривается динамика развития юридических аббревиатур, используемых в современном англоязычном дискурсе, и их структурная классификация. В ней аббревиатура структурно характеризуется в соответствии с универсальностью модели образования терминов.

**Ключевые слова:** аббревиатура, термин, лексические единицы, графические аббревиатуры, лексические аббревиатуры, инициалы, апокопы, аферезы и смешанные аббревиатуры.

Тилшуносларнинг маҳсул лексик бирликлари тизимига қизиқиши тобора ортиб борапти. Бу илмий билимларнинг доимий равишда ўсиб бориши, эскиларининг янги кўринишга ўзгариши, рад этилиши ёки янги ихтироларнинг тасдиқланиши каби баъзи илмий назариялар ва тушунчаларнинг долзарб бўлиб бораётгани, баъзилари эса иккинчи планга ўтиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин. Ушбу жараёнларда тил асосий роль ўйнайди, чунки ҳар қандай илмий билимларни трансляция қилиш керак ва у

умумилмий жамоатчилик томонидан қабул қилинмасдан бундай илмий билимларни тан олишнинг имкони йўқ.

Замонавий илмий коммуникацияни ахборот оқимларини оптималлаштирмасдан тасаввур қилиб бўлмайди, унинг самарали воситаси лингвистик воситаларни тежаш бўлиб, тобора интенсив ва тармоқли термин системалари даражасида намоён бўлади. Шу боис коммуникатив мулоқот жараёнида маълумотнинг ишончлилиги ва аниқлигини сақлаган ҳолда ахборот етказишнинг доимий равишда ортиб бориши динамик ахборот алмашинувни талаб қилади. Хусусан, аббревиатуралар тўлиқ тузилган терминлар билан бир қаторда махсус лексиканинг бир қисми сифатида публицистик ва илмий нутқ турлари учун ўзига хос хусусиятлари туфайли тўлиқ структурали лексик термин бирликлари сингари батафсил ўрганишни талаб қилади.

Инглиз тилида аббревиатураларнинг структур-семантик ўзига хослиги ва сўз ясалиши хусусида Д.И.Алексеев, Н.Н.Алексеева, Е.А.Дюжикова, А.И.Елдышева, Ш.Н.Кўчимов, Н.Мarchand, L.Soudek каби тилшуносларнинг ишлари диққатга сазовор.

Аббревиатураларнинг ясалиши хусусидаги умумий маълумотларни ўзбек тилининг морфологик тизими ҳақидаги манбадан ўрганишимиз мумкин [9; 13]. Тилшунос олим Ш.Кўчимов ўз тадқиқотида қонун тили лексикасини учга бўлади: 1. Умумистеъмол лексика. 2. Фразеологик лексика. 3. Атамалар. Суд нутқи лексикаси ҳам қонун тили лексикасида бўлгани каби умумистеъмол сўзлар, юридик терминлар ва фразеологизмлардан иборат [7; 20]. Ҳуқуқшунослик дискурсининг ўзига хос хусусиятлари нотиклик санъати таркибида ўрганилган бўлсада, суд-ҳуқуқ системасига тегишли аббревиатураларнинг структур-семантик жиҳатлари инглиз тили юридик терминологияси билан солиштирилиб тадқиқ этилмаган.

Ноодатий тузилишга эга аббревиатуранинг турли усулларида турли хил комбинацияларда фойдаланиш имконияти қисқартмаларнинг типологик

таснифини мураккаблаштиради. Таъкидлаш жоизки, коммуникатив мулоқот жараёнида маълумотларнинг доимий равишда ортиб бораётганлиги қисқартмаларнинг турли тамойилларга асосланган кўплаб таснифларини юзага келтиради. Ушбу тил ҳодисаси нутқда қўлланилишига кўра фақат ёзма нутқда ишлатиладиган график бирликлар (*kg/s – kilogram in second – килограмм секунд*) ва ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқда бирдек ишлатиладиган лексик бирликларга (*масалан, radar – радар, laser – лазер*) бўлинади. Шунингдек, улар *фонетик, морфологик ва синтаксик* турларга бўлинади. Фонетик қисқартмалар сўздаги товушлар билан фарқланади. Масалан, инглиз тилидаги *boi* [boi] – термини сув юзасига лангар устига ўрнатилган сузувчи ва сув остига чўккан объектининг жойини, сув сатҳидаги чегарасини кўрсатишга мосланган қурилма маъносида келади.

Морфологик қисқартмаларга кесма (сўзнинг ўрта қисми тушириб қолдирилади), алфавит (фақат ҳарф шаклига эга семантик қисқартма), акроним (сўз бирикмаси таркибидаги сўзларнинг бош қисмлари олинади), инициал (сўз бирикмаси таркибидаги сўзларнинг бош ҳарфи олинади) киради. Мазкур қисқартма турларида ўзак сўз ва ҳосила сўзнинг лексик маънолари доим турлича бўлади. Ўзак сўз от сўз туркумига, ҳосила сўз эса от ва сифат сўз туркумига тегишли бўлади. Улар асосан ўзак сўзнинг морфемадан ажратилган ҳолда қисқартирилиши билан ҳосил қилинади (*масалан, англ. metropolitan → metro; ўзб. «метро» каби*). Ушбу қисқартмалар кўпроқ сўзлашув ва оддий сўзлашув нутқида тарқалган. Баъзи ҳолларда ўзакка суффикс қўшилади, айниқса, бу ўзбек тилига рус тили орқали ўзлашган сўзларда кўзга ташланади: *мульт-фильм → мульт-ик, обще-житие → обща-га, теле-визор → тел-ик* каби. Бу сўз ясалиш усули қисқартма билан уйғунлашган суффиксация усулини ифода этади. Шунингдек, сўз яшанинги комбинациялашган усулида иштирок этаётган усул мураккаб қисқартма сўзлар ҳосил қилади: *Ўзбектелеком – Ўзбекистон телерадио компанияси, зав-едующий хоз-яйством → зав-хоз*.

Синтаксик қисқартмалар сўз бирикмаси ва гапларнинг эллипсисини ҳосил қилади: *If I were you...* – *Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда эди...* Сўз туркуми бўйича аббревиатуралар отлашган (маслан, а. < association – ассоциация), сифатлашган (*Abr.* < *Abridged* – қисқартирилган), равишлашган (*О.К.* < *okay* – ҳаммаси жойида) каби турларга бўлинади. Орфография тамойилига кўра қисқартмалар бош ҳарфлар билан ёзилиши мумкин (компонентлар ўртасида нуқта қўйилиб ёки қўйилмай): *ACLA* < *Alaska Compiled Laws* – *штатнинг изоҳли қонунлар тўплами. Аляска, А.В.С.* < *Australian Bankruptcy Cases* – *банкротлик ҳолатлари бўйича австралия қарорлари тўплами.* Шунингдек, қисқартмалар кичик ҳарфлар ва ёнлама чизиқ билан ёзилиши мумкин, масалан, *a/s* < *account sales* – *товарларни сотиши бўйича комиссия агентининг ҳисоботи* [12; 35].

Қисқартмалар тузилишига кўра лексик birlikларнинг корпуси сифатида қуйидаги турларга бўлиш мумкин [11; 48]:

1. Инициаллар, улар ҳам ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади:

а) сўз бирикмаси таркибидаги сўзларнинг бош ҳарфларидан таркиб топади (*ОАЖ* – *очик акциядорлик жамияти, ЖПК* – *жиноят процессуал кодекси*); б) бошланғич сўз бирикмасининг одатий ўқилишини таъминловчи биринчи сўзининг товушидан ташкил топган товушли оҳангнинг мавжудлиги (*ННН* – *Health Education England, ОТМ* – *Олий ўқув юрти*; в) ҳарф+товуш структурали сўз бирикмаси таркибига кирган сўзларнинг бош ҳарфидан ҳамда бош бўғинларидан иборат қисқартмалар: *CrPC* [*krepisi*]– *Criminal Procedure Code, CCU* [*si:*] – [*si:*] – [*ju:*]) – *Central control unit; FRG* [*eferze*] – *Federal Republic of German; РФФ* [*эргэф*] – *роман-герман филологияси* [12; 38];

2. Сўзларнинг бошланғич қисмларининг қўшилмасидан иборат *gourmet* [*goor-mey, goor-mey*] – 1. *a connoisseur of fine food and drink; 2. of or characteristic of a gourmet; 3. elaborately equipped for the preparation of fancy, specialized, or exotic meals; маҳаллаком* — *маҳалла комитети, гастроним* – *озиқ овқат магазини*) [12; 39].

3. Аралаш тип, сўзларнинг бош қисми ва бош ҳарфлари кўшилмасидан иборат (товушлар номи) (гороно – городской отдел народного образования).

4. Бошланғич сўзнинг биринчи бўғини ва кейинги сўзнинг тўлик кўшилиши билан (запчасти – запасные части).

5. Сўзнинг биринчи бўғини + воситали сўз (каф.мудир – кафедра мудир).

6. Бошланғич сўзнинг биринчи бўғини ва иккинчи сўзнинг охири бўғини ёки фақат охири бўғиндан сўз ҳосил бўлиши (мопед = мотоцикл + велосипед).

Бу каби қисқартмаларнинг аксарияти рус тилидан ўзбек тилига ўзлаштирилган, шунинг учун ҳам ўзбек тилида оғзаки сўзлашув нутқида юқоридаги қисқартма турлари шаклида учрайди.

График аббревиатуралар – бу битта товушли ва ўзгармас лексик таркибга эга бўлган иккита график шаклга эга қисқартмалар. График қисқартмалар сўз эмас, грамматик категориянинг род ва сонига эга эмас. Шу боис улар ўз талаффузига эга эмаслар ва оғзаки нутқда қандай шаклда ёзилган бўлса шундай қўлланилади. Д.И.Алексеев, турли терминологик тизимлар доирасида график қисқартмаларни батафсил ўрганиш зарурлигини таъкидлайди [3]. Бундан ташқари, у график қисқартмалар фақат визуал идрок учун мавжудлигини ва ўқиш пайтида мазмуни очиб талаффуз этилишини эслатиб ўтади. Замонавий инглиз тилида график қисқартмалар илмий, техник, бадиий ва бошқа ҳар қандай ёзув услубида қўлланилади. Шаклланиш жараёнида график қисқартмалар турли хил ҳарфлар билан ифодаланиши мумкин ва улар комбинациясининг сони жуда хилма-хил бўлиши мумкин: В.В. < bail bond – каффолат, avg. < average – денгиз аварияси, С. < Chancellor – канцлер [1]. Вақт ўтиши билан график қисқартмалар, терминологик характерга эга бўлишига қарамасдан тил бирлигининг мустақил товуш шакли ва лексико-грамматик хусусиятларига эга бўлса, лексик турга айланиши мумкин. Аммо бундай график шаклнинг сўз шаклига ўтиши барча график қисқартмаларга хос эмас, балки фақат мулоқот жараёнида мунтазам

қўлланиладиган ва умумжамоатчилик учун тушунарли бўлган сўзларгина лексик бирликка кириши мумкин.

Лексик қисқартмалар – бу иккита график шаклга (тўлиқ ва қисқа) ва иккита товуш шаклига эга бўлган қисқартмалар. Лексик қисқартмалар ўзининг бошланғич birlikлардан фарқ қилувчи ўзига хос товуш хусусияти ва график шаклига эга. Лексик қисқартмалар тилнинг луғат таркибий қисмлари сифатида битта сўзнинг асосий хусусиятларига эга ва бошқа сўзлар сингари алоқа воситаси сифатида бир хил функцияларни бажаради.

Лексик қисқартма – бу товуш шакли ва график тасвирга эга мураккаб ҳамда ажралмас таркибли маъновий birlik. Оддий сўзнинг барча хусусиятларига эга бўлган лексик қисқартмалар нутқнинг тегишли қисмларига хос бўлган грамматик тоифаларга эга, турли хил синтактик функцияларни бажаради ва тил тизимига кириб, тилга хос усуллар билан янги сўзларни шакллантириш учун асос бўлади

Лексик қисқартмаларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: 1) уларнинг иккиламчи табиати, яъни қисқартмалар тилга тегишли тушунчанинг пайдо бўлиши билан бир вақтда эмас, балки тўлиқ сўз ёки ибора шаклида ўз ифодасига эга бўлганидан сўнг пайдо бўлади; 2) муайян моделларга мувофиқ яратилади; 3) мустақил сўзларга ўтиш имконияти мавжуд; 4) тилнинг сўз ҳосил қилиш тизимидаги маҳсулдорликка эга; 5) тилнинг сўз бирикмаларига мансублиги эътиборга олинади; 6) тилнинг луғат бойлигини тўлдириш ва бойитиш манбаи бўла олиш хусусиятига эга [2; 56].

Қисқартмалар тилнинг луғатига тегишлими ёки йўқми деган савол тилшунослар томонидан турли йўللар билан талқин этилади. Д.И.Алексеев ҳарф қисқартмалари ва қўшма сўзлар сўз ҳосил қилишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини таъкидлайди ва бу уларнинг рус тили сўз бирикмаларига тегишли эканлигини ишонч билан таъкидлайди [3; 67]. Н.Н.Алексеева фикрича ҳам қисқартма сўзлар тилнинг луғат таркибига киради [2; 86].

Бизнинг фикримизча, лексик қисқартмалар тилнинг луғат таркибига киритилади, чунки улар нутқда бошқа сўзлар билан бир қаторда ишлатилади ва «аббр.», белгиси билан изоҳли луғатларга киритилади, улар луғат иловасида эмас, балки асосий матнда, алифбо тартибда бошқа сўзлар билан бирга берилади. Шунини таъкидлаш жоизки, барча қисқартмалар тилнинг луғат таркибига киритилмаган, фақат ёзма ва оғзаки нутқда, газета ва журналларда, радио, телевиденияда умумий тан олинган ва кенг қўлланиладиган сўзлар тилда янги сўз ясалиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Лексик туркумга кирадиган график қисқартмалар тўлиқ маъноли сўзларга айланади, луғатларда акс этади. График қисқартмаларнинг луғатига киритиш имконияти ҳақидаги хулосалар тилшунослар томонидан тасдиқланган [4; 49]. График қисқартмаларнинг сўзга ўтиш тезаурусни ёзма тилда мавжуд бўлган сўзлар асосида юзага келган лисоний бирликларни қисқа қайд этиш мақсадида тилнинг луғат таркибини янги сўзлар ҳисобига бойитувчи узлуксиз жараён дир.

Ҳозиргача олимлар ўртасида қисқартмаларнинг тузилиши ва турлари бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Хорижий олимларнинг асарлари орасида Н.Марчан [11; 55]нинг мураккаб қисқартмаларни ўрганишга бағишланган тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга. Муаллиф мураккаб қисқартмаларнинг беш турини аниқлайди: қисман, бўғинли, алифбо, аралаш турдаги (тўлиқ сўз + қисқартма), бўғинли ёки ҳарфли қисқартмалар рақам билан биргаликда. Е.Л.Дюжикова қисқартмаларни тўрт турга бўлиб таснифлайди: 1) ҳарфларга асосланган (*UNESKO < United Nations Educational Scientific and Cultural Organization*); 2) бўғинли (Совнарком); 3) аралаш (районо); 4) бир нечта бўғиндан таркиб топган, бу бўғинларнинг барчаси қисқаришга учрамайди (*internet – international network*) С.Берлизон бу таснифга қисқартирилган, кесилган сўзлар типини киритади, (маслан *c gra < gratia* (миннатдорчилик) [4; 72]).

Қисқартмаларни шаклланиш услубига кўра биз кўриб чиқаётган инглизча ҳуқуқий атамаларнинг қуйидаги таркибий турларини ажратамиз: кескин қисқартирилган; бошланғич ҳарфли бирикма; мураккаб қисқартмалар.

Кескин қисқартирилган терминлар мураккаб атамаларни, шунингдек, номинатив ибораларни битта ҳарфга қисқартирилиши туфайли ҳосил бўлади, яъни сўз охири чегарасигача қисқартирилади. Биз ушбу қисқартмаларнинг икки турини ажратамиз: бошланғич ва бошланғич ҳарфли қисқартмалар [6; 43]. Дастлабки қисқартмалар кўп компонентли тўлиқ шаклларнинг бошланғич бош ҳарфлари (бош ҳарфлари)дан иборат. Улар қуйидаги асосий моделларга мувофиқ шаклланади: а) биринчи ҳарфнинг қисқартмасига бошланғич атама ёки номинатив иборанинг барча таркибий қисмларини киритиш орқали, қисқартмада ҳарф унли ёки ундош бўлиши мумкин, масалан: *Fβ/ < Federal Bureau of Investigations — ФСБ, DR < deposit receipt — депозит квитанцияси, BASF < Bar Association of San Francisco — Сан-Францисконинг адвокат ҳамкасблар*; б) биринчи ҳарф (унли ёки ундош) қисқартмасига бошланғич мураккаб атама ёки иборанинг аксарият қисмларини киритиш орқали, натижада баъзи компонентлар қисқартмада акс этмайди. Масалан: *Fed.B.J. < Federal Bar Association Journal — журнал тур (тўлиқ сўз туркуми+қисқартма) бўгинли ёки рақамли ҳарфли қисқартма FL.& K. < Flanagan and Kelly Irish Rolls Court Reports – Флонеген ва Келли томонидан тузилган Ирландия суд ҳукмлари қарорлари; Ex. < Exchequer — газначилик, ex. < exempt — озод қилинган* [12; 66]).

Ушбу моделга мувофиқ шаклланган инглизча қисқартмалар юридик адабиётларда жуда кенг тарқалган, уларнинг улуши, бизнинг статистикамизга кўра, ҳуқуқий атамаларнинг умумий корпусининг тахминан 27,8 фоизини ташкил этади.

Бошланғич ҳарфли қисқартмалар катта (бош ҳарфлар) ва кичик ҳарфлардан иборат. Улар қуйидаги моделларга мувофиқ шаклланади: а) икки компонентли атамадан бошланғич ундошларни бирлаштириш орқали; бундай қисқартмалар шартнома қонунларида кенг тарқалган, масалан: *EXQ < ex qua*



— кирғокдан, EXS < ex ship — кемадан, EXW < ex works - заводдан [12; 29];  
б) қисқартиришда бир ва икки компонентли атаманинг боши, ўртаси ва охиридаги ундошларни киритиш орқали масалан: АЪр < Archbishop – архиепископ унвони, gdn < guardian – васий, GTD < guaranteed – кафолатланган [2; 38].

Кўп компонентли атамалар ва номинатив ибораларни қисқартиришда бошланғич ҳарфли қисқартмаларнинг кўриб чиқилган моделлари бошқа таркибий турларнинг турли моделлари билан биргаликда бирлаштирилган қисқартмаларни ҳосил қилади [1; 65].

Мураккаб атамалар тўлиқ компонентлар ва қисқартмалар комбинациясини ифодаловчи атамалар ўртасида оралиқ позицияни эгаллайди. Мураккаб атамаларга қуйидагилар киради: бўғинли қисқартириш, ҳарфли қисқартириш, тўлиқсиз қисқартириш, контрактуралар [6; 76].

Бўғинли қисқартмалар мураккаб атаманинг дастлабки бўғинларидан, таркибий қисмларидан ҳосил бўлади, шу билан бирга бундай қисқартмаларнинг иккита асосий моделини ажратиш мумкин: мураккаб атаманинг барча таркибий компонентларининг қисмларини ифодаловчи бўғинли қисқартмалар, масалан: xtry < extraordinary – фавқулодда, ғайриоддий; бўғинли қисқартмалар; унда мураккаб атама таркибий компонентларининг барча қисмлари ифодаланмайди, масалан: admx < administratrix - администратор-аёл [10; 23].

Қисқартириш пайтида қисқариш шундай содир бўладики, атаманинг фақат бошланиши қолади: *аск.* < *Acknowledgement* – тасдиқлаш, *barr.* < *Barrister* – баарристер, *comm.* < *Commentaries* – изоҳлар, *CN* < *consols* — консолидацияланган (давлатнинг қисқа муддатли қарзини узоқ муддатга айлантириш) ижара, *ад.* < *Addenda* – қўшимчалар [12; 38].

Торайишда биринчи ундошлардан ва охириги бўғиндан фойдаланиш мумкин: mtgee < mortgagee – гаров қарз берувчи, mtgor < mortgagor – гаров бўйича қарздор. Замонавий акрономик сўз ясалишининг хусусиятларидан бири бу қисқартма ва оддий сўзнинг, яъни қисқартманинг сўзга ўхшашлиги

омонимларни ҳосил қилади [8; 27], қиёсл.: *c.a.d.* – одобсиз, қўпол одам; *cash against documents* – юк ҳужжатлари бўйича нақд пул тўлаш; *C.A.R.* – автомобиль, *Commonwealth Arbitration Reports* – арбитраж қарорлари тўплами; *C.Old.* – ёриқ, дуқкакли ўсимликлар, шишириш, *cash on delivery* – Етказиб бериш бўйича нақд пул (почта жўнатувчиси номидан почта жўнатмасини топширганда йиғадиган ва жўнатувчига почта ёки телеграф ўтказмаси орқали юбориладиган пул суммаси); *COLA* — *Coca-Cola* томонидан ишлаб чиқарилган газланган алкоғолсиз ичимлик, *cost-of-living allowance* – юқори нарх учун иш ҳақи мукофоти [2; 39].

Баъзан юридик терминнинг қисқартирилган версияси термин бўлмаган сўзнинг тўлиқ шаклига тўғри келади. Бу сўз нутқнинг ҳар қандай сўз туркуми бўлиши мумкин, кўп ҳолларда у от ёки феъл бўлиши мумкин, масалан: *Append.* – бириктирмоқ, бириктирмоқ, *Appendix* – дастур; *Bag.* – тош, тўсиқ, *barrister* – барристер; *Chap.* – ёриқ, *Chapter* – боб [12; 42].

Инглиз юридик атамасининг бош қисм қисқартмасининг муҳим характерли хусусияти бу бирликларнинг кўп маънолигидир. Масалан, *A.C.*: 1) *account current* – жорий ҳисоб; 2) *administrative county* – маъмурий туман; 3) *Appellate Court* — апелляция суди; 4) *Case on Appeal* — иш апелляция бўйича кўриб чиқилмоқда; 5) *Appeal Cases* — апелляция ҳолатлари; 6) *authors corrections* — муаллифлик ҳуқуқи; *B.C.*: 1) *Bankruptcy Cases* — банкротлик ҳолатлари; 2) *birth certificate* — туғилганлик гувоҳномаси; 3) англ. *Borough Council* — муниципалитет; 4) *British Columbia Law Reports* — сборник судебных решений Британской Колумбии – Британия Колумбиясининг ҳукмлари тўплами [2;49]). Бизнингча, кўп маънолилик юридик қисқартмаларни терминологик мақомдан маҳрум қилмайди, чунки бир маънолик терминологик бирликнинг ягона белгиловчи хусусияти эмас.

Юридик терминлар қисқартмасининг *N — A* (*N* – от, *A* – сифат) асосидаги структур таҳлил модели энг кўп тарқалган. Ундан ташқари *N — N*, *A — A — N* моделига кўра терминлар гуруҳи аниқланган. Буларнинг 8 таси ичидан энг камини предлог ва от ташкил этади.

Инглиз тилидаги аббревиатуранинг бошқа таснифини кўриб чиқамиз. Г.Маршан қисқартманинг қуйидаги уч асосий типини ажратади: clipping – оддий қисқартма (simple clippings); мураккаб компонентли қисқартма (compound clippings) ва блендлар (аралашма конверсия) [11; 54].

Бизнингча, А.И.Елдышева [6; 36], инглиз тили структураси юзасидан таклиф этган қисқартмаларнинг энг яхши таснифи Е.А.Дюжикованинг ишларида ўз мантиқий давомини топди. Ушбу таснифнинг концептуал асосини ташкил этувчи тамойилларни санаб ўтамиз: 1) структуранинг ўзига хослиги (қисқартманинг соддалиги ва мураккаблиги); 2) вариантликнинг юқори даражаси; 3) лексик қисқартмани сўз шаклланишининг бошқа усуллари билан ўзаро таъсир қилиш имконияти; 4) қисқартмалар компонентининг линияли даражаси [5; 61].

Тавсия этилган стратификация (лексик birlikнинг нутқда ишлатиш даражаси)га мувофиқ, биз бўғинли қисқартмалар (фақат битта сўз камида битта бўғиндан иборат); мураккаб бўғинли қисқартмалар (сўзларнинг қисқартирилган ва тўлиқ шаклларида иборат); инициал (иборанинг бошланғич ҳарфлари ёки товушлари билан ифодаланади) қисқартмаларга ажратамиз.

Е.А.Дюжикованинг таъкидлашича, қисқартмаларнинг афзаллигини сўз бирикмалари билан солиштирганда яққол намоён бўлади, улар номларнинг тўлиқ ўрнини босади ва ҳосил бўлган лексик лакуналарни тўлдиради [5; 67].

Инглиз юридик адабиётида кўп сонли қисқартмалар асосан ёзма нутқда қўлланилади ва фақат баъзи ҳолларда оғзаки тилга кириб боради. Ушбу турдаги қисқартмалар терминологик хусусиятга эга ва асосан мутахассислар томонидан қўлланилади. Аммо бугунги кунда оммавий ахборот воситалари томонидан тез-тез ишлатиладиган юридик луғатга киритилган баъзи қисқартмалар умумистеъмолга кириб бормоқда.

Шундай қилиб, қисқартмалар сўз шаклланишининг ўзига хос усулларида биридир. Тузилишига кўра, қисқартмалар махсус турдаги

мураккаб атамалар – бошланғич, бошланғич – ҳарфли, бирикмали ёки ўзак сўз кесилган қисқартмалардан иборат бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқшуносликка оид адабиётларда қисқартмаларнинг катта гуруҳи мавжудлиги юридик терминнинг қисқартма шакллари кўпайтиришга ҳаракатни кўрсатади. Бизнинг фикримизча, айнан қисқартмаларнинг структураси нисбатан содда. Инглиз юридик атамаларининг қисқартмалари қуйидаги таркибий турларга бўлинади: бўғинли қисқартмалар (апокоплар, аферезлар, синкоплар, контрактуралар (қисқаришлар)), мураккаб қисқартмалар (мураккаб бўғинли қўшимчалар) ва бошланғич қисқартмалар (алифбо, товушли (акронималар)). Шунингдек, аралаш қисқартмаларни (бўғинли кесмалар комбинацияси, бош ҳарфли қисқартмалар ва тўлиқ маъноли сўзлар) алоҳида гуруҳга ажратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Демак, замонавий инглиз тилида кўп сонли аббревиатураларнинг пайдо бўлиши фан ва техниканинг жадал ривожланиши ҳамда миллий ва халқаро даражада ахборот алмашинуви ҳажмининг ошиши, вақтни тежаш зарурати ва лингвистик ифода воситалари билан бевосита боғлиқ. Сўз ясалишига келсак, ҳозирги вақтда инглиз тили луғатининг бойиш манбаи кўпинча аббревация жараёни туфайли, морфемалар ва уларнинг қисмларини бирлаштириш натижасида содир бўлади. Тўлиқ тузилишга эга лексик birlikлар ҳажми катта бўлиб уларнинг тез-тез такрорланиши дискурсив нутқни амалга оширишда ноқулайлик туғдирганлиги боис соддалаштирилади, кесилади ёки қисқартирилади. Қисқартирилган терминологик birlikларнинг шаклланиши, умуман, интралингвистик ва экстралингвистик омилларнинг таъсири билан изоҳланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Акопянц А.М. Прагмалингводидактические основы обучения иностранным языкам студентов-лингвистов (на материале английского языка): дис. ... д-ра пед. Наук. – Пятигорск, 2009. – 327 с.

2. Алексеева Н.Н. Типология сокращенных лексических единиц современного английского языка: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1984. – 15 с.
3. Алексеев Д.И. Сокращенные слова. – Саратов, 1979. – 134 с.
4. Берлизон С.Б. Сокращения в современном английском языке // Иностраный язык в школе, 1963. – № 3. – С. 93-100.
5. Дюжикова Е.Л. Аббревиация сравнительно со словосложением: структура и семантика (на материале современного английского языка): дис.... д-ра» филол. наук. – Москва, 1997. – 142 с.
6. Елдышев А.Н. Строение и мотивированность сокращенных слов (к проблеме взаимодействия формально-содержательных признаков в слове): автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1984.
7. Кўчимов Ш.Н. Ҳуқуқий атамаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари: филол. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 20 б.
8. Суперанская А.В. Общая терминология. Вопросы теории. 2-е изд., стереотип. – Москва: Едиториал УРСС, 2003. – 248 с.
9. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаши тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 216 б.
10. Шаповалова А.П. Аббревиация и акронимия в лингвистике. – Ростов: РГПУ, 2003. – 350 с.
11. Marchand H. The Categories and Types of Present Day English Word-Formation [Text]; / H. Marchand // Reading in Modern English Lexicology. — 2<sup>nd</sup> ed. - Leningrad: Prosveschenie, 1975. - P. 132-384.
12. Webster's Encyclopedic Unabridged Dictionary of the English Language [Text]. -N.Y. [etc.]: Gramercy Books, 1989. - 2078 p.